Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 273 (4671)
2 ДЕКАБРЬ 1981 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1956 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССРнинг 60 йиллигига—60 зарбдор ҳафталик

МУСОБАҚА—МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИБ

2-трамвай депосининг 16-трамвай маршрути ҳайдовчилари ҳар куни минглаб шаҳарликларнинг йўлини яқин қилишмоқда. Маршрутнинг Мурод Мухамедшин, Мўминжон Абдуқодиров, Лилия Кочетова, Ганижон Каримов каби илғор ҳайдовчилари ойлик планни 110-115 процентга бажариб ҳайдовчилар хурматига сазовор бўлмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Насиба Абдуллаҳаева, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Лилия Кочетова беш йиллик планини уч йилда бажаришга аҳд қилганлар. Ҳозирги кунда улар ойлик планларини 120-125 процентга етказиб, улкан муваффақиятга замин тайёрламоқдалар.

Маршрутнинг барча ҳайдовчилари бу илғорларга тенглашиш иштиёқида меҳнат қилишяпти.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

БУГУН

СЕРҒАЙРАТ БРИГАДАЛАР

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 159-қурилиш трестига қарашли 2-бошқарманинг В. Видер, В. Кокашинский ва Я. Казанис бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаларн пойтахтимизнинг Космонавтлар проспектида беш қаватли 50 хонадонга мўлжалланган турар жой биносининг умумий қурилиш ишларини ниҳоясига етказдилар. Айни пайтда ушбу бинода сайқал бериш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Мазкур бригадалар КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини шараф билан бажариб, «СССРнинг 60 йиллигига—60 зарбдор ҳафталик» ташаббусига чин дилдан қўшилиб меҳнат қилишмоқда.

Қурувчилар йил охирига яна бир турар-жой биносининг конструкциялари монтажини қўлдан чиқариш учун ғайрат кўрсатмоқдалар.

УЙЛАР КЎПАЙМОҚДА

Шу кунларда пойтахтимизнинг Ипподромная кўчасида Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 1-уйсозлик комбинатининг 2-бошқармаси бригадалари қизғин қурилиш ишларини олиб бормоқдалар. Бу ерда бир пайтнинг ўзида олтита беш қаватли турар жой бинолари қурилиши жадал суръатда давом эттирилмоқда.

БУГУН

мазкур комбинатнинг З. Фасхутдинов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси 100 хонадонга мўлжалланган истиқомат биносини фойдаланишга тахт қилиб қўйди.

Ана шу уйларнинг ҳаммаси фойдаланишга тахт қилиб қўйилгач, ҳамшаҳарларимиз а н яна 400 киши янги квартиралар олиш шарафига муяссар бўлади.

ТЕЗКОРЛИК БИЛАН

СССР 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафталик ўтказиш ташаббусига қўшилган Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 159-қурилиш трести 22-бошқармасининг бунёдкор коллективлари шаҳримизнинг «Халқлар дўстлиги» проспектида қурилаётган 96 квартирали 9-қаватли уй-жой биноси қурилишида тезкорлик билан иш олиб боришяпти.

— Бошқармамизнинг В. Воронов бошлиқ монтажчи, А. Юнусов, Х. Рензас, Р. Расуловлар бошлиқ комплекс бригадалари ана шу уй-жой биносини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун юксак унум билан меҳнат қилмоқда, — дейди участка прораби Ш. Шоазизов.

— Бунда зарбдор ҳафталиклар бўйича ўтказилаётган социалистик мусобақа айниқса қўл келяпти.

В. Воронов бошлиқ бригаданинг монтажчилари материаллар уз вақтида етказиб берилишига мувофиқ ҳолда узлуксиз усулда ишлаш имкониятига эга. Шунинг учун ҳам бригада барпо этаётган объектда пардозчилар учун муддатидан илгари иш фронти тайёрлаб берилди. Ҳозир шу трестга қарашли 53-бошқарманинг жилокорлари объектнинг дастлабки қаватларида сувоқчилик ишларини бошлаб юборадилар.

Объектда иш олиб бораётган пардозчи ва монтажчилар, комплекс бригада аъзолари фақатгина смена топшириқларини ошириб бажариш юзасидангина эмас, балки юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, қурилиш материаллари ва вақтдан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича ҳам мусобақалашишмоқ д а. Чунки зарбдор ҳафталиклар мусобақасининг асосий шарти бўлган бу кўрсаткичлар ҳар бир бригада коллективини юксак унум билан ишлашга даъват этяпти.

Бинокорлар тезкорлик билан қураётган ушбу бинонинг 48 квартирали подъездини янги йил байрамигача фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Унинг дастлабки қаватида магазинлар ҳамда маиший хизмат шохобчалари жойлашади.

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

Тошкент ёғ-экстракция комбинатининг коллективи республика давлатга «ок олтин» топшириш бўйича ўз зиммасига олган юксак социалистик мажбуриятини бажарганлиги тўғрисидаги хушхабарни зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Чунки корхона асосан пахта ҳисобига ишлайди. Бу ерда чигитдан пахта ёғи тайёрланади.

Корхонада ёғ ишлаб чиқариш билан фақат икки цех шуғулланади. Ҳозир бу ерда янги ҳосилнинг чигити қабул қилиб олинмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кўпайиб боряпти. Шу йилнинг октябрь ойида 1785 тонна ёғ ишлаб чиқарилди. Шундан 10 тоннаси планга қўшимча тайёрланди. Бу коллектив қолаб минг тонна чигитни қайта ишлаб, ҳар юз тонна хом ашёдан 18 тоннадан тайёр маҳсулот чиқариб олди демакдир.

Тошкент ёғ-экстракция комбинатида бир қатор ишлаб чиқариш илғорлари меҳнат қилишади. Улар орасида слесарь Ўринбой Боқиев, ишчи Неъматжон Собиров, пресловчи Абдуқаҳҳор Абдукаримов, аппаратчи Галина Савина ва бошқалар бор.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси. нинг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳолига кўплаб, сифатли устки кийимлар етказиб бериш учун астойдил курашмоқда. Яқинда жамоатчи фотомухбиримиз И. Шоиногомов корхонада бўлиб, бир қатор илғор чеварларни суратга олиб қайтди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу суратда бичув цехининг илғор бичувчиси Тамара Гуломова акс этган. Коммунистик меҳнат зарбдори смена топшириғини 120 процент адо этиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

● ТОШКЕНТ — РЕСПУБЛИКАГА

ТРЕСТ МАДАД БЕРМОҚДА

Пойтахтимиздаги кўпгина завод ва корхоналар сингари «Узстроймеханизация» трести коллективи ҳам мамлакатимиз бўйлаб кенг кулоч ёйган «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ташаббусида фаол қатнашиб, фидокорона меҳнат намунасини кўрсатмоқда. Коллектив КПСС XXVI съезди тарихий қарорлари белгилаб берган вазифаларни шараф билан адо этмоқда.

Трест республикамиз областларини мунтазам равишда қурилиш техникаси билан таъминлаб туради. Областлардаги қурилиш ташкилотлари айниқса, кўтарма кранларга катта эҳтиёж сезмоқдалар. Трест ана шу ташкилотлардан қурилиш техникаси етказиб бериш борасида кўплаб буюртмалар олиб туради.

БУГУН

ана шу буюртмалардан бири республикамизнинг Қашқадарё областидан олинди. Мазкур буюртмага мувофиқ трест областнинг Ульянов районига қурилиш механизацияси ва бир дона кўп миқдорда юк кўтара оладиган кран жўнатди. Ушбу қурилиш техникасидан районда олиб борилаётган уй-жой биноларн қурилишида фойдаланиладн.

● ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

ЯНГИ БУЮРТМА

БУГУН

Тошкент экскаватор заводига Эфиопия республикасидан янги буюртма олинди. Ана шу буюртмага мувофиқ корхона мазкур мамлакатга «Г-304-Г» маркадаги экскаваторлардан иккитасини тайёрлаб бериши керак.

Куни кеча завод Куба ва Венгрия республикаларига худди шу маркадаги экскаваторлардан иккитасини жўнатган эди.

Бугунги кунда пойтахтимиздаги завод жаҳоннинг 15 га яқин мамлакатига ўз маҳсулотларини чиқармоқда. Югославия, Франция, Польша, Вьетнам ва Чехословакия заводнинг доимий буюртмачиларидирлар. Корхона йилнинг охирги кварталида ушбу мамлакатларга 20 дан зиёд экскаватор жўнатди.

Айни пайтда Германия Демократик Республикаси учун иккита экскаватор жўнатишга ҳозирланмоқда

ХАРИДОР ДИДИГА МОС

БУГУН

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган қизларга ва аёлларга мўлжалланган ипакли кўйлакларнинг иккита янги моделига фахрли беш қиррали белги берилди.

Крепдешин ва шифон матоларининг турли хилларидан тикилган ушбу кўйлаклар моделининг ўзига хослиги ва замонавийлиги билан манзур бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда бирлашмада аёлларга ва болаларга мўлжалланган либосининг 12 хили давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда.

Шаҳримизнинг Энгельс кўчаси кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Ҳозир бу ерда Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 159-қурилиш трестининг 10-бошқармаси бинокорлари алоқа электро-техника институти студентлари учун тўққиз қаватли ётоқхоналар комплекси қурилишини ниҳоясига етказишмоқда. Ҳозир ушбу бинода пардоз ишлари авжида.

СУРАТДА: Энгельс кўчасида қад ростлаган ётоқхона компленсининг кўриниши.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ИҚТИСОД—БАРЧАНИНГ ИШИ

Шаҳар хўжалигини рк мисолида ҳам кўриш куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш бўйича штабнинг навбатдаги мажлиси Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Косимов раислигида бўлиб ўтди. Унда шаҳарни ёритиш учун электр энергиясидан фойдаланиш ва айрим корхоналарни резерв ёнилғига ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Шаҳарни ёритиш хизмати электр энергиясидан самарали фойдаланиш учун бир қанча ишларни амалга оширяпти. Кўпгина кўчаларга люминисцентли ёритгичлар ўрнига ундан икки баравар тежамкор бўлган натрийли чироқлар ўрнатилмоқда.

Шунга қарамай «Ўзэнергонадзор» ўтказган текширишлардан маълум бўлдики, айрим кўча ва майдонлар жумладан Гагарин, Собир Раҳимов парклари, «Пахтакор» бульвари, Беруний ва Галаба майдонлари тунги режимга ўтказилмаган. Тимирязев, Турсунқулов, Энгельс, Уста Ширин, Циолковский ва бошқа кўчаларда зарурат бўлмаган пайтда ҳам кўпинча чироқ ёниқ бўлади. Агар ана шу кўрсатилган кўча ва майдонлар тунги иш режимига ўтказилганда электр энергияси сарфини 2,9 минг киловатт-соат камайтириш мумкин бўларди. Энергияни исроф қилиш, савдо заллари ва витриналарнинг тунги пайтда ёқиб қўйилиш ҳолларини саноат, савдо, умумий овқатланиш корхоналари мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Луначарский марказидаги газламалар ва Вокзал олди майдонидаги «Восток» магазинларида, Навоий кўчасидаги «Янгилик» фабрикасида, «Ташсельмаш», «Союзхлопкомаш» заводларида, 15-шаҳар касалхонасида, область автоинспекциясида реклама ўчириб қўйилмайди.

Электр энергиясини тежамкорлик билан сарфлаш масаласи иккинчи даражали иш эмаслигини мунтазам эсда тутиш лозим.

«Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси резерв ёқилғига ўтиши лозим бўлган 25 корхонани аниқлади, махсус график ишлаб чиқилган. Фактларнинг кўрсатишича, қатор корхоналарнинг раҳбарлари мўлтаъмоли чеклаб қўйилган пайтда резерв ёқилғига ўтиш бўйича зарур тадбирларни кўришмаган. Бу «Ташсельмаш», «Компрессор», трактор заводлари, «Промэнергоаппарат», «Ташкентка-бель», грампластинкалар заводлари қишга зарур миқдордаги мазутни ҳалигача жамғаришмаган.

Аҳоли ва маиший секторни газ билан узлуксиз таъминлаш учун газ таъминоти тартибга солиниши, фонд интизомига риоя этилиши, мазут учун фонд бўлиши ғоят зарур. Булар кечиктириб бўлмайдиган масалалар бўлиб, совуқ кунлар бошланиши билан шаҳар хизматлари ишига таъсир кўрсатади.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИБ

Шаҳримиздаги 2-маршрутли таксилар автотранспорт корхонаси ҳайдовчилари йўловчиларга хизмат кўрсатишни тобора яхшилашга интиляптилар. Коллектив СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган зарбдор ҳафталикларда ҳам фаол қатнашиб, социалистик мусобақани авж олдиряпти.

Дастлабки кунларда И. Мустафин бригадирлик қилаётган 7-маршрут ҳайдовчилари пешқадамлик қилишди. Улар биринчи ҳафтада корхонага 1523 сўмлик даромад келтириб, бу соҳадаги планни 113 процентга етказиб бажаришди. А. Чернецев бошчилигидаги 10-маршрут ва Д. Иўлдошев бошчилигидаги 20-маршрутга хизмат кўрсатаётган бригадаларнинг ҳайдовчилари ҳам мусобақа пешқадамлари сафида боришяпти.

Шуниси қувончлики ҳозиргача автотранспорт корхонасининг қирқдан ортиқ ҳайдовчиси шахсий йиллик планини адо этиб қўйди. Бу ютуқлар коллективнинг йил охиригача пландан ташқари 30 минг пассажирга хизмат кўрсатиш бўйича олган социалистик мажбуриятя сўзсиз бажарилишдан дарак беради.

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

СОҲИЛ ЧИРОЙ ОЧАДИ

Қорасув канали соҳилларн эндиликда янада чирой очади. Ҳамза райони меҳнаткашлари кузги кўкаламзорлаштириш ойлигида фаол қатнашиб, канал соҳилларида янги хиёбонлар барпо этишяпти. Бу ерда манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш қизғин олиб бориляпти. Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси ва бошқа жойларда ҳам умумий майдони 3 гектар бўлган кичик хиёбонлар барпо этилмоқда.

Райондаги Генерал Петров, Шолохов кўчаларини кўкаламзорлашга алоҳида эътибор бериляпти. Жумладан, Генерал Петров кўчасидаги уч ярим километр масофага 500 тупга яқин ёш ниҳоллар ўтказилди. Кўкаламзорлаштир р и ш ишларида район ободонлаштириш бошқармасининг Р. Куканов бошчилигидаги бригадаси ишчилари, айниқса ғайрат кўрсатишяпти.

Ҳамза райони меҳнаткашлари кўкаламзорлаштириш ойлиги давомида ҳаммаси бўлиб, 20 минг туп дарахт кўчати ўтказишади.

ТОШКЕНТНИНГ ИККИ МИНГ ЙИЛЛИГИГА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Косимов, Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари М. С. Саидов сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон пойтахтининг 2000 йиллик юбилейи байрам қилиниши мамлакатнинг иқтимоий-сиёсий ва маданий турмушида катта воқеа, КПСС ва совет давлати ленинча миллий сиёсати тантанасининг, Ватанимиз халқлари бузилмас дўстлигининг намойиши бўлади, деб уқтирилди мажлисда. Юбилейга тайёргарлик кўриш КПСС XXVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумидаги нутқида берган кўрсатмалари ва тавсияларини муваффақиятли бажариш йўлидаги социалистик мусобақани янада авж олдиришга ёрдам беради.

Тошкент шаҳрининг юбилейга ҳозирлик кўриш билан боғлиқ бўлган ташкилий ва идеологик тадбирлар Ўзбекистон пойтахтини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби шаҳрига айлантиришдан иборат муҳим вазифани ҳал қилиш билан узвий равишда боғлаб ўтказилмоқда. Меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш учун, беш йилликнинг биринчи йили ва умуман беш йиллик планларини ҳеч сўзсиз тўла ва ошириб бажариш учун бошланган мусобақаси кенгайиб бормоқда.

Қурувчилар юбилейга фаол ҳозирлик кўрмоқдалар. Беш йиллик биринчи йилнинг ўн ойи мобайнида улар 600 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, 12 минг ўринли мактаблар, 2310 ўринли мактабгача тарбия муассасалари, янги касалхоналар, поликлиникаларни қуриб битказишди, водопровод тармоғи кенгайди. 2-нон маҳсулотлари комбинатида, пластмасса буюмлари ва маиший химия, темир-бетон буюмлари заводларида янги қувватлар ишлаб бошлади. Катта-катта ишлаб чиқариш объектлари қурилиши давом этмоқда, шаҳар қурилишининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда.

Шаҳардаги эски кўчаларни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш соҳасида катта иш ўтказилади. Минглаб тошкентликлар ғоят қулай қилиб қурилган янги уйларга кўчиб чиқадилар. Метрополитен линияси шаҳар марказини темир йўл вокзали билан туташтиради. Бир қанча корхоналар пойтахт ташқарисидаги саноат зоналарига кўчирилади. Янги монументлар, ёдгорликлар, ҳайкалтарошлик композициялари шаҳарга ҳуси беради. Юбилей шарафига обида қуриш белгиланган. Халқлар дўстлиги майдонида қад кўтарадиган монумент қардош халқларнинг бузилмас дўстлигини абадийлаштиради. Тошкентнинг юбилейига атаб бадиий кўргазмалар, спектакллар, ҳаваскорлар ижодининг фестивалли ўтказилади, ёзувчилар, шоирлар, драматурглар янги асарлар яратишади.

Шу билан бирга юбилей олди ишларини кенг миқёсда авж олдириш учун мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилмаётганлиги мажлисда уқтириб ўтилди. Бир қанча муҳим объектларни ва шу жумладан саноат объектларини — «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш» заводларида, тўқимачилик комбинатида, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасида янги қувватларни ва бошқа иншоотларни қуриш муддатлари чўзилиб кетмоқда. Айрим министрлик ва идоралар тадбирларнинг бажарилишини зарур воситалар ва моддий-техника ресурслари билан тўла-тўкис таъмин этмаяптилар.

Ташкилот комитетининг мажлисида Тошкент шаҳар партия комитети ва район партия комитетларининг, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва район ижроия комитетларининг шаҳар икки минг йиллигига тайёргарлик кўриш соҳасидаги тадбирлари маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ташкилот комитети мажлисида нутқ сўзлади.

Ташкилот комитети мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва аъзолликка кандидатлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Ҳайкалтарошлик устахонасида ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИ

БУГУН

шаҳримиздаги ҳайкалтарошлик тажриба комбинатида бир қатор янги ёдгорликлар устида ишлар бошлаб юборилди. Ана шундай ёдгорликлардан бири уч фигурали скульптура комплекси бўлиб, комбинат уни Наманган областининг Тошбўлат район маркази учун тайёрламоқда.

Ушбу ёдгорлик Улуғ Ватан уруши жангларида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланади. «Галаба» деб номланган мазкур комплекс ёдгорликни комбинат ҳайкалтароши Л. Рябцев билан архитектор Р. Немировский яратишмоқда.

Комбинат ҳар йили республикамизнинг ғ н г қишлоқ ва район марказлари учун гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган фарзандлар сиймоси акс эттирилган ўндан ортиқ ёдгорлик ва монументлар тайёрлаб беради.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ Лаос Халқ Демократик Республикаси эълон қилинган кунининг 6 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикасининг Бош министри ўртоқ Кейсон Фомвиханга ва Лаос Халқ Демократик Республикасининг Президенти, ЛХДР Олий Халқ мажлисининг Раиси ўртоқ Суфанувонгга табрик телеграммаси йўлладилар. Табрик телеграммасининг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

△ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг мажлисида қатнашиш учун 1 декабрда Москвадан Бухарестга жўнаб кетди.

Бугун А. А. Громико Бухарестга келди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЁЗУВЧИ Р. БОБОЖОНИ (Р. Н. БОБОЖОНОВНИ) МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ёзувчи Рамз **Бобожон** (Рамз Носирович **Бобожонов**) **Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1981 йил 1 декабрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ШОИР ЎРТОҚ РАМЗ БОБОЖОНГА (Р. Н. БОБОЖОНОВГА) «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ШОИРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун шоир ўртоқ Рамз **Бобожонга** (Рамз Носирович **Бобожоновга**) **«Ўзбекистон ССР халқ шоири»** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1981 йил 1 декабрь.

телетайп лентасидан

● **БЕРЛИН. ГДР пойтахтининг марказидаги одатдан ташқари безатилган арча шаҳарчасида ранг-баранг электр чироқлари порлади. Эртаклардагидек безатилган хоналар одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда анъанавий янги йил олди ярмаркаси очилди. Ярмарка бир ой давомида катталарга ҳам, болаларга ҳам кунбонч ва яхши кайфият бағишлайди.**

Яқинлашиб келаётган 1982 йилнинг биринчи белгиси сифатида ажойиб шаҳарга кираверишда жуда катта арча ўрнатилди. Арча эртаклар нинг ҳаммага таниш қаҳрамонлари бўлган соч-соқоллари оппоқ Қорбобо, гўзал ва назокатли Қорқиз ҳайкалчалари билан безатилган. Ҳатто жодугар кампирва даҳшатли ҳайвонларнинг расмлари ҳам ғоят кулгили ва беозор кўринади.

Сон-саноқсиз аттракционлар бу ерда ҳеч кимни зериктирмайди.

Янги йил олди ярмаркаси берлинликларни ҳам, пойтахт меҳмонларини ҳам бенихтиёр ўзига жалб этмоқда. Ўтган йили эртак шаҳарчасини ярим миллиондан ортиқ киши келиб кўрди.

● **ПРАГА. Чехословакия пойтахти олий ўқув юртларининг студентларн яхши совға олдилар. Шаҳарнинг жанубидаги янги районда бинокорлар студентлар шаҳарчасидаги 12 қаватли ётоқхонани фойдаланишга топширдилар. Қарийб 1800 студент ана шу ётоқхоналарга кўчиб кирди. Бу ерда айни вақтнинг ўзида тўрт минг кишига мўлжалланган катта ошхона очилди.**

Янги ётоқхоналар қурилганлиги ЧССРда ўқувчи-ёшлар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилинаётганлигидан далолат беради. Бу йил қишлоқ хўжалиги ва экономика институтининг студентлари ҳам янги ётоқхоналар оладилар.

● **АНҚАРА. Соғлиқни сақлаш ва социал ёрдам министрлигининг хабар беришича, Анқара касалхоналарида ич терлама касаллиги билан оғриган 500 дан ортиқ киши бор. Бир гўдак ҳалок бўлди.**

Ўтган ҳафта бўлиб ўтган тошқин натижасида пойтахт чеккасидаги ичимлик сув олинадиган қудуқларга оқава сувлар келиб қўшилганлиги туфайли шундай эпидемия тарқалди.

(ТАСС).

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Октябрь ва Чилонзор районлари мусобақаси

Мусобақадош районларнинг саноат, транспорт ва алоқа корхоналари коллективларида СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Октябрь райони саноати йилнинг фақат ўтган ўн ойи мобайнида пландан ташқари 4.809 минг сўмлик, Чилонзор райони эса 2.278 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Октябрь райони маҳсулот реализация қилиш бўйича январь-октябрь ойлари планини 102,6 процент, Чилонзор райони ҳам 103,8 процент бажарди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқлари эса 3,4 процентга ошириб адо этилди. Умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш суръати 8,4 ва 6,1 процентларга юксалди.

Октябрь райони индустрияси меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 103,8 процент, Чилонзор райони ҳам 103,8 процент бажарди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Октябрь районида 5,2 процент юксалди, Чилонзор районида эса 102,0 процентни ташкил этди. Октябрь райони саноати кейинги йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 15.446 минг сўмликка, Чилонзор райони эса 4.460 минг сўмликка кўпайтирди. Шу билан бирга Октябрь районида ишлаб чиқариш ҳажмининг 63,1 процент ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди. Чилонзор районида бу кўрсаткич 34,4 процентни ташкил этди.

Йил мобайнида 4-темир-бетон буюмлари заводи, «Ташкентпиво», кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмалари (Октябрь райони) «Промсвязь», электр жиҳоз буюмлари заводлари (Чилонзор райони) ишлаб чиқариш ҳажмини 8—10 ва ундан юқори процентларга ўстиришга муваффақ бўлдилар.

Уларнинг шартнома мажбуриятларини амалга оширишда боришиб, бир қатор коллективлар йиллик мажбуриятларида белгиланганидан бир мунча кўп пландан ташқари саноат маҳсулоти ишлаб чиқардилар. «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмалари, бадиий буюмлар фабрикаси (Октябрь райони), Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон қар-соқовлар жамиятининг 2-ўқув ишлаб чиқариш корхонаси (Чилонзор райони) ва бошқа корхоналар жумласидандир.

Шу билан бирга бир қатор корхоналар — кўн-мўйна заводи, тикувчилик бирлашмаси, металл фурнитуралари заводи, (Октябрь райони), шаҳар ремонт қурилиш трестининг ишлаб чиқариш корхоналари комбинати (Чилонзор райони) буюртмачиларга шартнома мажбуриятига кўра буюмлар етказиб бериш, белгиланган ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишини таъминлай олмадилар.

Октябрь райони корхоналари январь-октябрь ойларида умумий маҳсулот ҳажмининг 17,0 процент миқдорида, Чилонзор райони эса 6,8 процент миқдорида давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқардилар. Октябрь райони маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш планини 107,8 процент, Чилонзор райони 107,4 процент бажарди. Октябрь районида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,1 процентни, Чилонзор районида 112,1 процентни ташкил этди.

Октябрь районида икки цех, 4 участка, 10 бригада, 180 ишчи ойлик программани бажаролмади. Чилонзор районида эса 3 цех, 3 участка, 8 бригада, 55 ишчи қолоқлар сафида қолди.

Қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молиявий манбаълар — 1981 йилнинг январь-сентябрь ойлари маълумотлари)ни Октябрь райони 68,0 процент, Чилонзор райони 96,0 процент бажарди. Октябрь районининг қурилиш-монтаж ташкилотлари турар жойни фойдаланишга топшириш тўққиз ойлик планини 72 процент, Чилонзор райони эса 102,0 процент бажардилар.

Бугун январь-сентябрь ойлари социалистик мусобақаси якунларини Чилонзор район партия комитетининг саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири А. УМАРОВ шарҳлайди:

— «Партиянинг халқ хўжалиги самарадорлигини оширишдан, уни интенсивлашдан, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини оширишдан иборат ғоят муҳим йўналишини рўёбга чиқаришга бутун куч-ғайрат сафарбар этилсин». КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорида бу кўрсатма мусобақа районлар меҳнат фаолларининг ҳўжаликтисодий фаолиятида ўз аксини топда.

Пойафзал фабрикаларида иккита замонавий конвейер жорий қилинди. Бу эса мазкур участкаларда меҳнат унумдорлигини бир мунча юксалтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берди. Меҳнатни ташкил этишнинг бригада системасини жорий этиш пойафзалчиларга катта самара келтирмоқда. Яқинда тайёрлов цехида 16 та бригада ташкил этилди. Натижада участкаларда меҳнат унумдорлиги 18,5 процентга ўсди. Иш вақтини йўқотиш 0,5 процент қисқарди.

Шунингдек, меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва иш сифатини яхшилаш имконини берувчи техника янгиликлари «Промсвязь», электр жиҳоз буюмлари заводларида, Ўзбекистон қар-соқовлар жамиятининг 2-ўқув ишлаб чиқариш корхонасида кенг жорий этилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларига жавобан, ҳар бир иш жойида, бригадада, участкада, цехда меҳнат унумдорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш, план, меҳнат интизомига риоя қилиш, белгиланган план-топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга эришиш лозим.

Т. МИРЗАЕВ,
«Госкомсельхозтехника»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводи гидропресс цехи бригада бошлиғи.

СУРАТДА: Тошкент кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчиси Ҳусниддин Қодиров тасвирланган. У кунлик план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб ўз ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда.

● МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

МУРАББИЙЛАР БОШЧИЛИГИДА

Красновосточ н а я трамвай-троллей б у с депосида меҳнат унумдорлигини ошириш, вагонлар ремонтини тез ва соз бажаришга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу йил пландан ташқари трамвайларда 34 минг йўловчига юксак маданиятли хизмат кўрсатилади. Ҳаракат составларининг мунтазамлиги ҳозирда 82 процентга кўтарилди.

Депонинг қон томири ҳисобланган ҳаракатдаги составларни ремонт қилиш цехидаги 8 та бригада ишчилари ҳар куни 113 та трамвайни техник кўрикдан ўтказишга эришмоқдалар. Цехларга қудратли кўчма кранлар ўрнатилди. Ер остидаги электрлаштирилган бетон ҳандақларда трамвай рессорлари, гилдирак ва тормоз системаларини қулай шароитда «даво»ланяпти.

Илгари оддий ишчи бўлган Н. Пардаев кичик ремонт цехида бригадир бўлиб ишлайди. Ўз касбидан шон-шуҳрат қозонган бригадир йил бошиданоқ вагонларни ҳамиша сифатли ремонт қилиш ташаббуси билан майдонга чиқди. Цех партия ташкилоти бу ташаббусни маъқуллади.

Касбининг фидойиси бўлган Н. Пардаев аввало меҳнатни илмий равишда ташкил этишга асосий эътибор берди. Ҳар бир ишчида топширилган иш учун масъулият ҳисси оширилди. Социалистик мусобақанинг ошкоралиги, унинг таъсирчанлигига катта аҳамият берилди. Коммунистлар, комсомоллар мусобақанинг олдинги сафларида бордилар. Н. Силантьев бошлиқ ремонтчилар бригадасини социалистик меҳнат беллашувига чақирдилар. Ҳар икки цех ишчиларининг меҳнатлари янада баракали бўлди.

Корхона ремонтчилари шаҳримиз аҳолисига намунали хизмат қилиб келаётган 3, 13, 22, 23, 28, 29-трамвай маршрутларини вагон билан таъминлаш давомида меҳнат унумдорлигини 2—3 процентга оширишга эришдилар. Илғор, машъал ишчилардан В. Водолазов, В. Гилигин, В. Кузнецов, В. Егоровлар илғор иш тажрибаларини ремонтчилар ўртасида кенг ёйиш, оммавий ва сиёсий ишларни жонлантиришда актив иштирок этмоқдалар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

УЛАН-БАТОР. «Монголсовцветмет» Монголия—Совет бирлашмаси йил бошидан бери пландан ташқари 6 миллион тугрикликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу коллектив беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасининг пешқадамлари сафида бормоқда. Кончилар бу топшириқни муддатидан икки ҳафта олдин бажариш мажбуриятини олдилар. Маҳсулот сифатини ошириш ва илғор совет тажрибасини жорий этиш ҳисобигагина йил охиригача пландан ташқари қарийб 1 миллион тугриклик фойда мўлжалланмоқда.

* * *

АНҚАРА. Туркиядаги 45 миллион аҳолидан 25 миллион киши ҳали ҳам тараққиётнинг ҳозирги даражасида муносиб бўлмаган шароитда яшамоқда. Улар энг оддий турмуш қулайликларидан маҳрум бўлган уйларда истиқомат қилмоқдалар, медицина ёрдами олиш ва ўқиш имкониятига эга эмас. Туркия меҳнат министрлигининг бу ерда эълон қилинган маълумотлари шундай далолат бермоқда. Туркияда бошланғич мактабни битирган 500 минг бола ҳар йили ота-оналарининг оғир моддий аҳволи туфайли ўқишни ташлаб кетишга ва иш қидиришга мажбур бўлмоқдалар, дейилади шу маълумотда.

* * *

БАНГКОК. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида Таиландда 38 марта забастовка бўлганлиги ва 158 та меҳнат низолари келиб чиққанлиги рўйхатга олинди. Ички ишлар министрлигининг маълумотларига кўра забастовкаларда 14 мингга яқин ишчи қатнашди. Таиланд пойтахтида, Самутпракан ва Самут Сакхон саноат марказларида забастовка кураши айниқса, кизгин ўтди.

* * *

АДДИС-АБЕБА. Бу ерда Шарқий Африка йўли бошлиқлари кенгашининг биринчи сессияси ўз ишини тамомлади. 9 минг километрдан кўпроқ масофага чўзилган янги магистрал, Қоҳирадан Ботсвана пойтахти— Габоронгача боради. Йўл Африканинг шимолий қисмини жануб билан боғлайди.

Африкани 2000 йилгача ижтисодий ва социал ривожлантириш юзасидан қитъадаги давлатларнинг Лагосда қабул қилган планида замонавий структура яратишга катта эътибор берилган. Шарқий Африка йўли, шунингдек Лагосдан Кениянинг Момбаси портигача олиб борадиган шарқий-ғарбий магистрал қитъада асосий сертармоқ транспорт йўли бўлмоғи керак.

Чаддаги аҳволга доир

ЛОНДОН. Рейтер агентлигининг хабарига кўра, Африкадаги 6 давлат бошлиқлари Кения пойтахти — Найробида шошилинч учрашув ўтказишга қарор қилдилар. Ана шу давлатларнинг аскарлари ҳозир Чадда тинчликни сақлаб турish мақсадида тузилаётган Африка мамлакатлараро кучлар составига киради. Бенин, Гвинея, Заир, Нигерия, Сенегал ва Того раҳбарлари, шунингдек Чад миллий бирлик муваққат ҳукуматининг раиси Гукуни Уэтдей ва Африка бирлиги ташкилотининг раиси Д. Арап МОИ Африка мамлакатлараро кучларнинг конкрет вазифалари ва роли тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Қузатувчилар дастлаб Чаддаги вазият ёмонлашиб бораётганлиги, Ғарб давлатлари биринчи навбатда АҚШ мамлакатдаги воқеаларни ўзлари учун фойдали ўзанга солиб юбориш йўлидаги уринишлари муносабати билан асосли ташвиш мана шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлганлигини қайд этмоқдалар. Парижда чиқадиган «Африка-ази» журнали Вашингтон Чаднинг ҳозирги ҳукуматини бартараф этишни режалаштираётган лидерини уқтиради. Бу вазифа асосан Чаднинг собиқ мудофаа министри Х. Хабре бошлиқ нифоқчи гуруҳдан фойдаланиш йўли билан ҳал этилмоқда.

Ҳозирги пайтда Р. Рейган маъмурияти Чадга бостириб кирган Хабре отрядларининг ҳаракатларини рағбатлантириб, мамлакатда Америка тарафдори бўлган қўғирчоқ режим ўрнатиш планини Африка мамлакатлараро кучларни тузиш ва таъминлашда АҚШнинг бевосита иштирок этиши билан тўлдириш, пировард натижада эса уларни ўз манфаатларига бўйсундириш ниятидадир.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БУДАПЕШТ. ВХР пойтахтида Совет Иттифоқи билан Венгрияда кутубхоначилик ишини ривожлантириш мавзусига бағишланиб иккала мамлакат мутахассисларининг конференцияси бўлиб ўтди. Улар икки кун давомида кутубхоналарга маданий-оқартув ишларида методик ёрдамни кучайтириш ўн йиллик планида кўзда тутилган тадқиқотларнинг натижаларини муҳокама қиладилар.

* * *

ДОРУС-САЛОМ. Пойтахт саноат районларидан бири Кинондонида меҳнаткашларнинг катта бир группасига Танзания революцион партиясининг партия билетлари топширилди. Революцион партия раиси Ж. Ниерри тантанали маросимда сўзга чиқиб, партиянинг янги аъзоларини мамлакатда ўзларининг бутун куч-ғайратини социализм принципларига асосланган жамият қуришга, партияни Танзания халқининг революцион авангардига айлантириш учун актив курашга чақирди.

* * *

БРАЗИЛИА. Сан-Паулу шаҳрида Американинг «Форд» компаниясига қарашли автомобиль заводи ишчиларидан 8 минг киши иш ташлади. Меҳнаткашлар қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилган ўртоқларини қайта ишга олинишини, меҳнат қилиш ҳуқуқи гарантияланишини талаб қилдилар.

ЁРДАМ УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

ҚОБУЛ. Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР революцион кенгашининг раиси Бабрак Кармал Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиуми 10-сессияси ишида қатнашган делегацияларнинг бошлиқларини қабул қилди.

У революцион Афғонистон билан бирдамлик изҳор қилганликлари учун чет эллик меҳмонларга ташаккур билдирди. Б. Кармал АДРнинг барча мамлакатлар билан, шу жумладан қўшни Эрон ва Покистон билан дўстона муносабатлар ўрнатишга интилаётганлигини яна бир бор тасдиқлади, у регионда тинчлик ўрнатишга қаратилган куч-ғайратни барбод қилишга уринаётган империализм ва гегемонизм кирдикорларини қоралади.

Б. Кармал Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожига тўхталиб, иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик чуқур илдиз отганлигини таъкидлади.

АҲДП Марказий Комитетининг Бош секретари Апрель революцияси муқаррар характерга эга эканлигини, чунки у меҳнаткаш афғон халқининг тарихий миллий орзу-умидларини ифодаланлигини уқтириб ўтди. Революцион Афғонистон ўз курашида ёлғиз эмас. Уни социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, Совет Иттифоқи бошчилигидаги барча тинчликсевар кучлар қўллаб-қувватламоқдалар.

● БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ БИЛАН

Корхонамиз ўз олдига қўйилган вазифаси жиҳатидан ҳам бевосита қишлоққа хизмат қилади. Мана 51 йилдирки, корхонамиз қишлоқ учун маҳсулот тайёрлаб, бутун фаолияти билан «Ўроқ ва Болға» иттифоқининг мустаҳкамланиш и г а муносиб улуш қўшиб келяпти.

Коллективимиз ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш, қишлоқ меҳнаткашлари буюртмаларини тез ва соз бажариш йўлида ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ўн ой мобайнида 6300 та двигателни сифатли ремонтдан чиқардик, 3295 та гидропресс тайёрладик. Деҳқонлар маҳсулотларимиз сифатидан мамнун.

Корхонамизда янгийўлликлар ва ростовликларнинг «Қолоқларсиз ишлайлик» шиори остидаги ташаббуси кенг қулоч ёйдирилганлиги, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун курашаётганлар сафи кенгайяётганлиги муваффақиятлар омили бўляпти.

Тўрт ишчи — Андрей Полев, Юсуфжон Маҳмуджонов, Иван Зиков ва мен ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш муваффақиятли бўлишини таъминлаш мажбуриятини олганмиз. Ҳозир тўртталамиз ҳам ваъдага муносиб меҳнат қилиб, юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришаяпмиз. Йиллик топшириқни корхонада биринчилардан бўлиб бажардик.

Мен гидропресс цехида турли хил деталлар тайёрлайдиган бригадага бошчилик қиламан. Бригадамиз коллективи ҳам йиллик топшириқни Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги арафасида бажарди. Ўхшаш касбларни пухта билиш, ўзаро ҳамкорлик, меҳнат интизомига қатъий амал қилиш бригада коллективига юксак унум билан меҳнат қилиш имконини бермоқда.

Биз тайёрлаётган гидропрессларни мамлакатимизнинг суғориладиган районларидаги ҳўжаликларидан ташқари, ўнлаб чет эл мамлакатлари ҳам сотиб оляпти. Бу бизни эммамиздаги топшириқни янада зўр масъулият билан бажаришга, корхонамиз маркаси шарафини ҳамиша юқори тутишга ундаяпти.

Т. МИРЗАЕВ,
«Госкомсельхозтехника»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводи гидропресс цехи бригада бошлиғи.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида жуда кўплаб комсомол-ёшлар меҳнат қилишади. Сиз суратда корхонанинг 2-цехи комсомол-ёшларидан бир группасини кўриб турибсиз. Ўртада бригада бошлиғи Надежда Александровна Шуина маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

И. Шоинғомов фотоси.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

«Андижанирстрой» трестига қарашли Шаҳрихон қурилиш-монтаж бошқармасида СССР Давлат мукофотининг лауреати экскаваторчи Ёқубжон Марасулов уч йиллик планни бажарди. У Москва районидаги «Ленинизм» колхозида қувур ариқлар барпо этишда меҳнат қилмоқда ва ўн биринчи беш йиллик давомида ўн бир йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилди.

* * *

«Янгиерводстр о й» трестига қарашли 24 механизациялаш г а н кўчма колонна коллективи СССРнинг 60 йиллиги шарафига бошланган меҳнат вахтасида муваффақиятга эришди: йиллик план муддатидан илгари адо этилди.

Янги ерларни ўзлаштиришда 2 миллион 350 минг сўмлик иш бажарилди. Александр Рон, Иван Вадиков, Анатолий Борматов бошлиқ бригадалар айниқса, ўрнак кўрсатдилар.

* * *

Район марказ — Сардоба янада кўркамлашади. Сирдарё ўрмон хўжалигининг ишчилари бу ерда янги хиёбон барпо этдилар. Қисқа вақт ичида бу ерда 500 туп чинор кўчати, бошқа кўплаб манзарали дарахтлар ва бута кўчатлари ўтқазилди.

* * *

Беруний районида қишлоқ марказий касалхонасида янги икки қаватли уй қурилди. Бу ерда кардиология бўлими ва унинг ёрдамчи хоналари энг янги медицина техникаси билан жиҳозланган. Район меҳнат кашларининг ўз децуталарига берган яна бир накази бажарилди. Ҳозир бу ерда депутатларнинг ташаббуси билан 120 ўринли болалар касалхонаси қад кўтармоқда, стоматология поликлиникаси қурила бошланди.

* * *

Тошкент экскаватор заводининг ишчилари Йўлдошевлар оиласи қишга сабзавот тайёрлаш ишларини тамомлади. Улар ўз участкаларидан картошка, карам, помидор, бақлажон ва бошқа полиз экинларини йиғиштириб олдилар. «Экскаваторш ч и к» боғдорчилик ширкатининг аъзоларидан юзга яқин киши бу йил бир килограмм ҳам сабзавот сотиб олмади. Улар йиғиштириб олган ҳосил фақат оилагагина эмас, шу билан бирга уларнинг қариндош-уруғлари г а ҳам етди.

Шаҳар ижроия комитети зоводга бундан уч йил илгари Чимён яқинидаги Паркент районидан ер ажратиб берган эди. Завод касаба союз комитети ва маъмуриятининг қарори билан илғор ишчиларга олти сотихдан ер тақсимлаб берилди. Машинасозлар зўр гайрат билан янги ерларни тозалашга ва ўзлаштиришга киришдилар. Корхона ўғит ташиб келтириш, ер участкаларини тош йўллар билан боғлашда ва электрлаштиришда кўмаклашди. Экинларни суғориш учун қудуқ қазилди ва насос ўрнатилиб, кичик-кичик уйлар қурилди. Завод дачаларини ободонлаштириш учун ишлаб чиқариш чиндиларидан — ёғоч қопламалар, металл парчалар ажратди. Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот бирлашмасининг ходимлари ширкатга мевали дарахт кўчатлари етказиб бердилар ва уларни парвариш қилишга оид ўз маслаҳатларини аямадилар. Ҳозир машинасозларнинг беш гектар майдондаги боғида Ўзбекистоннинг тажрибали боғбонлари етиштираётган барча хил мевалар — олма, ўрик, шафтоли, узум, беҳи, смородина ва малина меваларининг энг яхши навлари бор. Бу йил кузда ширкат аъзоларининг кўпчилиги мевалардан дастлабки ҳосил йиғиштириб олдилар. Улар келгусида ортиқча меваларни завод буфетига, болалар боғчалари ва ясли-ларига топширишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ЎРДАК СУЗСА МАЙЛИМИ?»

Бу материалда Киров районидаги 42-уй хоналаридан чакка ўтаётгани таъкид қилинган эди.

Район ижроия комитетининг редакцияга маълум қилишича, уйжой ремонт қилиниб, нормал ҳолга келтирилди.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

2 ДЕКАБРЬ, 1981 й.

ҚУРОЛЛИ ИНТЕРВЕНЦИЯ ТАЙЁРЛАМОҚДАЛАР

ВАШИНГТОН. Вашингтоннинг расмий доиралари Никарагуа ва Карибҳавзасидаги мамлакатларга қарши қуролли интервенция тайёрламоқда л а р. АҚШ давлат секретари Хейг, президент маслаҳатчиси Э. Миз ва мудофаа министри Уайнбергернинг кейинги кунларда айтган гаплари шундан далолат бермоқда. Хейг кеча телевидение орқали сўзга чиқиб, яна Никарагуага қарши кескин ҳуруж қилди, унинг мустақил ташқи сиёсат йўли ҳақида гижиниб гапирди. Давлат секретари агарда Манагуа ҳукумати Вашингтон билан яхши муносабатларни истаса, у ўзининг ҳозирги снёсатидан воз кечиши ва Оқ уйнинг кўрсатган йўлидан бориши керак, деб шама қилди.

Миз телевидение орқали қилган суҳбатида бундай деди: ҳозирги пайтда АҚШ Марказий Америкага ўз қўшинларини юборишни планлаштираётгани йўқ, аммо шу билан бирга у ғар сира ҳам АҚШнинг келгуси режалари тўғрисида эмас, балки фақат ҳозирги вақт тўғрисида бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. У Никарагуа денгизидан ҳарбий қамал қилиниши мумкинлигини истисно қилмади.

Уайнбергер ҳам телевидение орқали сўзга чиқиб, гўё «Карибҳавзаси мамлакатларидаги вазият АҚШнинг ҳаётий манфаатларига даҳлдор» деб даъво қилди. Министр ҳарбий аралашув режалари борми, деб тўғридан-тўғри берилган саволга жавобан бундай деди: «АҚШда планетанинг барча районлари учун йиллик план тузилаётганлигини, бу план АҚШнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳар хил тадбирларни кўришни кўзда тутганлигини айтди.

Бундан бир неча кун илгари 38 та ҳарбий кемадан, шу жумладан иккита авианосецдан иборат қўшилма Виржиния штатидаги Норфолк портидан чиқиб «Ридекс—81» номли машқларда қатнашиш учун Карибденгизи томон жўнади, дейилади Марказий Америкада ва Карибденгизида АҚШ интервенциясига қарши яқинда ташкил этилган фавқулодда комитетнинг баёнотида. Бу машъум ҳарбий машқларнинг ўтказилиши Рейган маъмуриятининг региондаги мамлакатларга таҳдиди кучайган бир вақтга тўғри келганлиги бежиз эмас. Вашингтоннинг Сальвадор, Куба ва Никарагуа халқларига қарши ҳарбий чораларни планлаштирилаётганлиги тамомила аёндир.

РАЦИОНАЛИЗАЦИЯ САМАРАСИ

БУДАПЕШТ. Мамлакат қишлоқ хўжалик ходимлари таклиф этган рационализаторлик таклифларидан фойдаланиш туфайли олинган иқтисодий самара Венгрияда бу йил бир миллиард форинтдан ошиб кетди. Бу таклифларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга ва энергияни тежашга қаратилгандир. Масалан, Хернаддаги «15 март» номли кооперативда чорвачилик фермаларини иситишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши чиқиндиларидан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Бабольнадаги давлат хўжалигининг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик транспортида энергияни иқтисод қилишга ёрдам берувчи бир қанча рационализаторлик таклифларини илгари сурдилар.

ЗИЛЗИЛАЛАР. Й И Л И

ПАНАМА. Кейинги 40 йил ичида Гватемалада 9196 марта ер ости силкинишлари рўйхатга олинди.

Гватемала сейсмология, вулканология ва гидрография институтининг маълумотларига кўра, 1976 йилда ер силкинишлари айниқса тез-тез қайд этилган, ўшанда олимлар ҳар хил куч билан салкам 1900 та ер ости силкинишларини ҳисобга олишган. Ўша йили 4 февралдаги зилзила натижасида 20 мингдан кўпроқ гватемалалик ҳалок бўлган эди.

Кейинги йилларда ер ости силкинишларининг кўплиги жиҳатидан 1980 йилнинг январи рекордли ой бўлди, шу ой мобайнида 31 марта ер силкинишлари рўйхатга олинган эди.

БЕЛЬГИЯ. Брюсселда тинчлик ва қуролсизланиш учун катта умуммиллий намойиш бўлиб ўтди. Унда 200 мингга яқин киши қатнашди: улар қуролланиш пойгасининг тўхтатилишига, Американинг янги ядро ракеталарини ўз ерларида жойлаштиришга йўл қўймаслиққа Бельгия халқининг қатъий аҳд қилганлигини намойиш қилдилар.

ЮПИ— ТАСС телефотоси.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Газетхон илтимоси

Ҳурматли редакция! Туш кўриш қандай руҳий ҳолат ҳисобланади? Туш таъбири деганда нимани тушунамиз?

Х. Мисриддинов, ишчи.

ТУШНИНГ ТАЪБИРИ НИМА?

Ташналар кўзини гар босса уйқу,
Тушига киради бутун олам сув.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.

Ибтидоий одам ер қимирлашидан, ой ва қуёшнинг «қуйиши»дан қўрққан, ёнғин, бўрон ва сув тошқинларини бошидан кечирган, ухлаб туш кўрган, одам яна ажабланган. Табиат ва психика сирлари олдида ожиз одам «қудрати илоҳия» дея ўз тирикчилиги билан овора бўлиб кетаверган. Асрлар оша табиат сирлари бирин-кетин ошкора бўла бошлади.

Туш кўриш бобида ҳам ажиб психик ихтиролар қўлга киритилди. Бундан бехабар баъзи одамлар эса туш кўришни ҳамон онг ва руҳ билан боғланган сирли ҳодиса деб билишади. «Тушингни аёлларга айтма» дейишади. Бунинг устига «эркакларнинг туши ўнгидан, хотинларнинг туши аксидан келади» деган умумий гаплар ҳам йўқ эмас.

Туш ва таъбир ҳақида илмий тадқиқотлар нима дейди? Ҳўш одам нима учун туш кўради?

И. Павловнинг айтишича, олий нерв системаси— бош мия тормозланса, яъни актив фаолиятини йўқотса, одам аста-секин уйқуга кетади. Лекин ташқи муҳит (шамол, ёмғир, иссиқ-совуқ, шовқин ёки ички сезги нервлари), таассуротлар, хаёл-фикрлар, ошқозон ва ичаклар, юрак ва ўпкалар, таносил органлар ва бошқалар одамга уйқуда ҳам таъсир қилаверади. Таъсир ва тассуротлар беасар қолмайди. Ташқи ва ички сезги органлари таъсирини дарров бош мия пўстлоғига етказади. Пўстлоқда қисман, чала ва ярим уйғониш, қўзғалиш ҳосил бўлади. Бу ҳол туш кўриш демакдир. Бир оқим ва бир равишдаги севги, таассурот мия пўстлоғининг биргина нуқтасида қўзғалиб, бир мавзудаги бутун бир кўринишни ҳосил қилади.

Немис олими Г. Нудов (XVIII аср) огзи-ни очиб чалқанчасига ухлаб ётган одамнинг оғзига бир неча томчи сув томизади. Бу одам уйқусида агдарилиб олади-да, оёқ-қўллари билан сузиш каби ҳаракатлар қилади. У уйғонганида: «Тушимда сувга тушиб кетдим, сузиб чиқдим» дейди. Олимлар ухлаб ётган кишиларнинг товонига иссиқ грелка теккизишган. Уларнинг бири тушида, ёнаётган ёғоч тахталар устида ялангоёқ чопиб юрган, иккинчиси эса ўзини саҳрода, қизиб турган қумда кўрган.

Француз олими А. Мори (XVIII аср) ухлаб ётганида унинг бурнига одеколон ҳидлатишибди. Мори тушида атр-упа дўконини кўрибди.

Немис врачи И. Бернер ухлаб ётган кишининг бурнига пахта тиқиб қўйибди. Ҳалиги одам бетоқатланган, сўнг уйғониб: «Тушимда қандайдир маҳлуқ борган сари улғайиб мени бўғди» деган. Демак, маълум таъсирлар ўзларига хос тушлар яратишлари мумкин экан. Модомики шундай экан, ташқи муҳит, масалан, об-ҳаво қандай таъсир қилар экан, деган савол туғилиши мумкин.

А. Мори момақалдироқ пайтида сайёҳлар билан лиқ тўла меҳмонхоналарнинг бирида ухлаб ётганларнинг деярли ҳаммаси бир хил туш кўришганини айтди. Уларнинг тушида, бу тиқилинч меҳмонхона ҳовлисига янги сайёҳларга тўла экипажлар гумбирлаб кириб келаётган эмиш. Бу далиллар ташқи муҳит таассуротларининг уйқудаги бош мияга таъсир қилиши ва ўзига маисуб туш яратишидан дарак беради.

Хаёлга ботишлик одамни асируб-банд қилади, уйқуда ҳам ўз мавзуига хос туш кўришга сабаб бўлади.

Сезгилар ва таассуротлар қанча кўп бўлса, улар мия пўстлоғининг бирданига бир қанча қисмини қўзғатади. Бунинг натижасида ҳар хил чатишма, мураккаб ва афсонавий тушлар кўрилади.

Демак, туш кўриш бедорлик вақтида онгли ёки онгсиз қабул қилинган таассуротлар (кўрган, эшитган, ўқиган ва ўйлаган нарсалар) ёки уйқу вақтида мавжуд ташқи ва ички сезгилар таъсирининг миядаги оддий ёки мураккаб акс садосидир.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач.

З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидати.

Олимлар — пахтакорларга

«ТОШКЕНТ» И Ш Ч И СУЛОЛАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институти билан Г. С. Зайцев номли Бутуниттифоқ пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг олимлари ҳамдўстликда яратган истиқболли «Тошкент—8» пахта нави давлат синовидан ўтказишга топширилди.

Янги нав вилт касаллигига айниқса, бардош берадиган ғўза синтетик турлари асосида уни дурагайлаш ва кейинчалик танлаб бориш йўли билан чиқарилган. Унинг асосий фазилати ҳосилдорлигида бўлиб, гектар бошига ўрта ҳисобда 50 центнердан ортади. Толасининг сифати яхшиланган ва уни мутахассислар тўртинчи саноат типига киритмоқдалар. Бу тип ўртача толали пахта бера оладиган энг яхши технологик хоссалар бўлишини кўзда тутади.

«Тошкент — 8» шу оиладаги навларнинг кенжаси бўлиб, у Ўзбекистондагина эмас, балки бутун ватан пахтачилигида сифат жиҳатидан жуда катта силжиш ясади. Бу йил— шу навлар учун юбилей йилидир: пахта «сулоласини» бошлаб берган «Тошкент—1» райлаштирилганига роса ўн йил бўлди. Бу нав чигити республика далаларига экилиши билан ўн йил ичида ҳосилдорлик мисли кўрилмаган даражада ошиб кетди.

Бу нав бугунги кунда ҳам мўл ҳосил бериб келмоқда. Лекин у энди толиқиб, вилтга аввалгидек бардош беролмай қолди.

Бу йил «Тошкент—6» нави районлаштирилди. У ўтган мавсумда республикамизнинг 20 минг гектар ерига экилганди. Аввалгиларидан 7—10 кун барвақт етиладиган, машина теримига мосланган бу нав гектар бошига 40 центнердан кўпроқ ҳосил берди, ундан фойдаланиш иқтисодий самараси ярим миллион сўмдан ошиб кетди. Бу йилги натижа қандай бўлишини ҳали ҳисоблаб чиқиш керак. Шу йил эса булутургидан уч баравар кўп майдонга экилди.

СССР Давлат мукофотининг лауреати, ВАСХНИЛ академиги С. М. Мираҳмедов бошчилигидаги олимлар ва селекциячилар ижодий коллективи «Тошкент» навларини янада яхшилаш йўлларини излашмоқда. Улар деҳқонларнинг, шунингдек тўқимачиларнинг талабларига тамомила мос келадиган — тез ва рекорд ҳосил берадиган, касаллик ва зараркунандаларга комплекс бардош бера оладиган, толасининг сифати аъло пахта яратишни мақсад қилиб қўйганлар. Давлат синовига топширилган сўнгги нав «Тошкент» ана шу мақсадларга мувофиқ келади.

А. БАРАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

КУНДАЛИК ХИЗМАТ

Москвада СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида тармоқлараро «Маиший хизмат —81» тематик виставкаси очилди.

Экспозиция маиший хизмат турли соҳаларининг ривожланиши ва истиқболлари тўғрисида ҳикоя қилади. Модельер рассомлар, пойафзалчилар, соатсозлар, ремонтчи усталар ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

(ТАСС).

ХАЛҚ САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИ БЎЙЛАБ

Гўзаллик туйғуси халқ қалбида азалдан яшаб келади. Шунинг учун у турмушни чиройли буюмлар билан безашга ҳаракат қилади. Ўзи ҳам ана шундай гўзаллик намуналарини яратади. Асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган кулолчилик, каштачилик, гиламчилик, заргарлик ва бошқа санъат намуналари фикримиз далилидир. Шу кунларда Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида намойиш этилаётган Қорақалпоқ санъатя кўргазмасини томоша қилган киши бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Кўргазмада қорақалпоқ халқи XIX—XX асрларда яратган санъат асарларидан намуналар қўйилган. Маълумки, инқилобгача қорақалпоқ халқи ярим кўчманчи ҳаёт кечирган. Енгил, кўчириш қулай бўлган ўтовлар асосий маскан вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳам ўтовни безашга алоҳида эътибор берилган. Бу иш билан асосан аёллар шуғулланган. Улар ўтовни гиламлар, поёндозлар, хилма-хил каштаклар билан безатишган. Кўргазмада ана шундай гилам ва каштаналарнинг хилма-хил шаклдари намойишга қўйилган. Қорақалпоқ чеварлари яратган гилам ва каштаклар рангларнинг мутаносиблиги, пишиқлиги билан ажралиб туради.

Қорақалпоқ аёлларининг кийимлари ҳам ранг-баранг каштаклар билан безатилган. Анъана бўйича аёллар жуда ёшликларидан бошлаб каштачилик сирларини ўргана бошлайдилар. Кўргазмада намойиш этилаётган кўйлаклар, чопонлар, бош кийимлари, тўйларда кийиладиган кийимлар ўзининг нозиклиги, гўзаллиги билан кишини мафтун этади.

Қорақалпоқларининг заргарлик буюмлари ҳам диққатга сазовор. Кумушдан ясалган ва кўкраккa осиладиган тақинчоқлар, аёлларнинг тўйда киядиган бош кийимлари ўзига хос. Улар феруза, садаф ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистонда ҳайкалтарошлик тез суръатлар билан ривожланиб боряпти. Айниқса, ёғочдан ҳайкаллар ясаш соҳасида қорақалпоқ ҳайкалтарошлари қўлга киритган муваффақиятлар эътиборга лойиқ. Бундай асарлар қатор кўргазмаларда муваффақият билан намойиш этилди. Асарлари тамошабинлар эътиборини қозонган ҳайкалтарошлардан бири Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Жўлдасбек Қуттимуротовдир. Нафосат, кўтаринки руҳ, гўзаллик унинг асарлари учун характерли белгилардир. Ж. Қуттимуротов Беньков номидаги Тошкент рассомлик билим юртида таълим олган. Узининг дастлабки ишларини ҳам ана шу ерда яратган эди. Йиллар ўтиши билан унинг маҳорати ҳам ўткирланиб борди. Айниқса, у яратган лирик портретлар кишини мафтун этади. Унинг «Нафосат», «Гўзал», «Ёшлик», «Навниҳол» сингари ҳайкаллари гўзалликка ўзига хос қасидадир.

Ҳайкалтарош ва ёғоч ўймакорлари Д. Тўраниёзов, А. Отабоев, Д. Бердимбетова, И. Алибеков, А. Нишонов ва бошқаларнинг ишлари ҳам таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Ҳалқ амалий санъатининг бошқа ўнлаб турларига оид хилма-хил экспонатлар ҳам кўргазмадан ўрин олган.

Экспонатлар билан танишар эканмиз, қорақалпоқ халқининг ўтмишдаги ва ҳозирги пайтдаги ижоди билан яқиндан ошно бўламиз.

СУРАТЛАРДА: Кўргазмага қўйилган экспонатлардан намуналар.

Р. Загратдинов фотолари.

ТОС Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ҲАҚНАЗАРОВ: Ака 1975 йил 9 январь куни пш вақтида бахтсиз ҳодисага учраган эди, аммо бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги тўғрисида акт ўша пайтда тўлдирилмаган. Айтингчи, мана шу бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги акт кимлар ва қайси ташкилот томонидан тўлдирилиши керак?

Жавоб: ВЦСПС Президиумининг 1969 йил 20 январдаги қарори билан (қўшимча ва ўзгаришлар билан) тасдиқланган қоидага асосан ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса рўй берса, цех бошлиғи (участка бошлиғи) қуйидагиларни қилишга мажбур:

а) корхона бошлиғи ва касаба союз комитетига бахтсиз ҳодиса ҳақида тезда хабар қилиши; б) меҳнатни муҳофаза қилиш жамоатчи бош инспектори ва техника хавфсизлиги инженери ёки унинг вазифасини бажараётган бошқа киши билан биргаликда бахтсиз ҳодиса вужудга келган муҳит ва сабабларни текшириб чиқиши, шунингдек, бундай ҳодисалар келгусида рўй бермаслигининг олдини олиш режаларини кўриши керак; в) бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги ҳақида «Н— 1» форма актини тўрт нусхада тузиб, бош инженерга (бошлиққа) йўлланади.

Бош инженер тасдиқланган актни (бахтсиз ҳодиса оқибатларини бартараф қилиш тадбир-чораларини рўйхати билан) бир нусхадан цех бошлиғи, касаба союз комитети ва касаба союз комитетининг техник инспекторига йўллайди.

Корхона маъмурияти жабрланувчининг талабига биноан бахтсиз ҳодиса ҳақидаги тасдиқланган актнинг нусхасини текшириш тамом бўлганидан кейин уч кун ичида бериши керак. Касаллик варақаси бўйича пафсоқа тайинлашда юз берган ёки цехда, сог эстрахование да ойлабелгиланган ком мўлкасаллик варақаси полаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ҳақидаги актнинг номери, тузилган кунини кўрсатиб ёзиб қўяди.

* * *

Р. НАЗИРОВ: Тошкент асбобсозлик заводида 4-хом ашё тайёрлаш участкасида металл қуювчи бўлиб ишлайман. Металл 220-300 градусгача қиздириладиган иссиқ цехда меҳнат қиламиз. Меҳнат шароити зарарли бўлишига қарамасдан меҳнат отпускам 15 иш куни белгиланади. Оғир шароитда ишлаганлигим учун қўшимча меҳнат отпускаси олишга ҳамда қўшимча иш ҳақи олишга ҳақим борми?

Жавоб: Ҳа. СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ва ВЦСПС Президиумининг 1974 йил 15 октябрдаги 298/П-22 номерига мувофиқ тасдиқланган рўйхатида кўрсатилишича, металл қуювчи касби оғир шароитда меҳнат қилувчи зарарли касб деб топилиб, уларнинг меҳнат отпускасига 12 иш куни қўшилади ва қисқартирилган иш куни жорий қилинади. Шунингдек, уларнинг иш ҳақи ҳам ўзгаради.

* * *

К. ОБИДОВ: Х. ХУДОЙБЕРГАНОВ: Биз шу йилнинг июнь ойида ҳарбий хизматдан қайтдик. Август ойида эса В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга кирдик. Айтингчи, ҳарбий хизматимиз иш стажига кириб, корхона бизга тайёрлов курсига кириш учун йўлланма бера оладими?

Жавоб: СССР Министрлар Советининг 1959 йил 18 сентябрда 1099-қарорига мувофиқ олий ўқув юртлари ва техникумларга йўлланма билан ўқишга кириш учун тайёргарлик кўрган, қобилиятли, практик иш стажи икки йилдан кам бўлмаган илғор ишчи ва хизматчилар юборилади.

А. ҲАСАНОВ,
юрист-консультант.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

КЎЗ АТРОФИГА НЕГА АЖИН ТУШАДИ?

Ёшим ҳали 30 га борган йўқ, лекин кўзим атрофига ажин тушди. Бу терининг сўлий бошлашими?

М. НУРИЕВА, ўқитувчи.

Баъзан 25— 30 ёшга етмаган одамлар кўзи атрофида ажин пайдо бўлади, бу терининг сўлишидан эмас, балки юз терисини яхши парвариш қилмаслик оқибатидан дарак беради.

Маълумки, юз териси, айниқса кўз атрофи териси жуда ҳаракатчан, нозик, юпқа бўлади. Бироқ кўпчилик аёллар ва қизлар юзларини сира парвариш қилмайдилар.

Кўзлари фақат яқиндан яхши кўрадиган хотин-қизлар кўзойнак тақишга кўпинча уялади-да, кўзларини қисиб қарашга мажбур бўладилар. Оқибатда кўз бурчакларида майда-майда ажин пайдо бўлади. Врач буюрган бўлса ҳам кўзойнак тақмай китоб ўқиш ёки ўринда ётиб ўқиш бунинг устига чироқ хира бўлса (ёхуд аксинча чарақлаб турган офтобда ўқиш кўз атрофига эртароқ ажин туширади. Юзни ҳадеб бужмайтириш, ҳаддан ташқари мимика билан гапириб кулиш ҳам ажин тушишига сабаб бўлади.

Пардоз ихлосмандлари! Пардоз буюмларини эҳтиётлик билан ишлатинг, пардозга ружу қилманг. Ҳаддеб киприкка туш, кўзга ёки қовоққа бўёқ суртаверманг. Акс ҳолда кўз атрофига тез ажин тушади. Шуниндек, юзни кунига қараб аста суртинг.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

Беморларга дори-дармонларни тайёрлашда шаҳримиздаги фармацевтика заводи ишчилари сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) корхонанинг илғор ишчиларидан Халима Исмоилова, Санобар Йўлдошева ва Мунира Ҳасановалар тайёрланган дориларни кўздан кечиришмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ТАБОБАТ ГАРОЙИБОТЛАРИ

Чеки йўқ акса

Англиялик ўқувчи қиз Донна Гриффитс фавқулодда шамоллаб, узлуксиз акса урадиган бўлиб қолди. Шамоллаш ўтиб кетган бўлса-да, бенихтиёр ва бемаврид акса уриш тўхтамади. Донна бир минут ичида камида икки бор, баъзан эса беш секундда бир марта аксиради. Аксирик исканжасидан қутулмаган қиз 255 кунлик азобдан сўнг: «Мени ми бу ҳолатдан қутқарувчи бўлса эди, ғоят миннатдор бўлар эдим», деди.

Кези келганида шуни айтиш керакки, Донна ҳозирда бирмингемлик Трисия Ринниг «рекорди»дан 61 кун ўтиб кетди, у 194 кун акса ўрган эди, холос.

«Гинеснинг жаҳон рекордлари» жамиятининг ходимлари Донна-нинг «ютуқларини» инобатга олишларини айтмоқдалар. Қизиғи шундаки, Донна ўзининг бу ҳолатига шунчалик ўрганиб қолганки, у ҳатто мактабнинг сараланган сузувчилар командасида маҳорат билан қатнашмоқда.

Жонли омбор

Нигериянинг госпиталларидан бирида 22 ёшли фокусчини жарроҳлик курсита ётқизадилар. Операция қиладиган хирург унинг қорнидан 87 хил нарса чиқариб олди. Қизиғи шундаки, қоринда чиққан нюёб нарсалар ичида инглиз тўғноғичи, осма қулф, қўл соатлари, узук, зирак, росмана калит, шиша синиқлари ва яна бошқа атторлик буюмлари бор эди.

Ғалати эгизаклар

Ғаройиб ҳодиса. Англиялик олимларни ҳайратга солган нарса шундан иборатки, Лондонда негр ва оқ танли аёл оиласида ғалати эгизаклар туғилди. Онаси Пат — росмана ирландиялик бўлиб, оқ танли, оқ соч, мовий кўзли аёл. Отаси Тони— негр. Туғилган эгизаклар икки хил рангли: Келли худди онасининг ўзи, Карли эса отасининг ўзгинаси.

Инсоният тарихида бундай нарса қайд этилмаган бўлиб, одатда эгизаклар отасига ўхшаш бўлар эди. Бир гуруҳ олимларнинг фикрларича, эгизак гўдакларнинг ранги бир хил тусга кира бориши керак эди. Ваҳоланки, эгизаклар мана, уч ёшга кирган бўлсалар ҳам, рангларини ўзгартирганларича йўқ.

МАЛИНАНИНГ ФОЙДАСИ

БУНИ БИЛИБ ҚЎЙИНГ

Янги узилган малина мевасида лимон кислота, олма кислота ва салицилат кислота, осон ҳазм бўладиган қанд, витамин С, В, Р, каротин (А провитамини) бўлади. Малинада калий тузлари, айниқса фосфор тузларига бой. Юз грамм малина мевасида 35 —40 миллиграмм фосфор бўлади. 100 грамм малина меваси катта ёшли одамнинг асалга бўлган суткалик эҳтиёжини қондиради. Малинада озроқ миқдорда кобальт ҳам бор.

Малина янги пишган пайтида жуда фойдали. Малинани ҳазм органларида сурункали касаллигининг бошланишида жуда яхши шифо бўлади.

Дамлама тайёрлаш учун икки ош қошиқ беморларга парҳез овқат сифатида ҳам ишлатилади.

Малина сувини суюқ дориларга таъмини яхшилаш учун қўшадилар. Малина меваси кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, мева сувлари ва бошқа ичимликлар тайёрлашда қўлланади.

Қуритилган малина меваси тер ҳайдаш воситаси сифатида тавсия этилади. Малина қоқи икки йил мобайнида ҳам ўзининг шифобахш хусусиятини йўқотмайди. Малина қоқидан дамлама тайёрланади, бу ичимлик ўткир респиратор касаллигининг бошланишида жуда яхши шифо бўлади.

Дамлама тайёрлаш учун икки ош қошиқ малина қоқига бир стакан қайноқ сув қуйилади ва 15— 20 минут қўйиб қўйилади, сўнгра докада сузиб олинади. Дамлама иссиқлигида ичилади (бироқ оғизни қуйдирадиган бўлмаслиги лозим). Ухлашдан аввал бир-икки соат мобайнида 2— 3 стакан малина дамламаси ичиш тавсия қилинади. Болаларга 1— 2 стакан дамлама етарли бўлади. Шундан кейин беморни иссиқ қилиб ўраб қўйилади.

Малина қоқи таркибида пурин кўп бўлади, шу сабабли подагра, нефрит касаллигига учраб қолган беморлар малина дамламасини ичмасликлари керак.

Малина ўсимлиги барглари ва меваларидан буриштирувчи моддалар — танин ва витамин С бор. Врачлар малина барги дамламасини меъда-ичакнинг ич кетиш билан кечадиган баъзи бир ўткир ва сурункали касалликларида тавсия қиладилар.

Бундай дамлама тайёрлаш учун майдаланган барглан икки ош қошиқни бирор идишга солиб, устидан бир стакан қайноқ сув қуйинг ва 3— 4 соат қўйиб қўйинг, сўнгра докада сузинг. Дамлама кунига 3— 4 маҳал ярим стакандан ичилади. Бундай дамлама ангинада, милк шамоллаганда, томоқ ва оғизни чайиш учун ҳам ишлатилади.

АГИТБРИГАДА САФАРДАН ҚАЙТДИ

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси қошида ташкил этилган «Пахта— 81» агитбригадаси яқинда Тошкент области бўйлаб қилган сафаридан қайтиб келди. Консерваториянинг катта ўқитувчиси Ф. Иброҳимов раҳбарлигидаги коллектив бир ой мобайнида Оққўрғон, Бўка, Бекобод, Чиноз ва бошқа районлардаги ўнлаб хўжаликларда ўз маҳоратини намойиш этди. Агитбригада аъзоларидан К. Аҳмедов, С. Азимов, И. Икромов, А. Қаххоров, С. Файзиев, М. Саидов, О. Собировларнинг чиқишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

М. Тожибоев, Э. Рўзматов, М. Норқўзиев, Б. Уринов, У. Тўхтасинов, С. Комилова ва Л. Васильчуклардан иборат иккинчи агитбригада эса ўз концерт номерларини Янгийўл, Ғалаба, Пискент, Ўрта Чирчиқ районларидаги хўжаликларда, ташкилот ва муассасаларда намойиш этди. Агитбригада аъзолари ёшларнинг дам олишларини мароқли ўтказишларига яқиндан кўмаклашдилар, дискотекалар ташкил этдилар. Коллектив составидаги «Билим» жамияти лекторлари эса қизиқарли мавзуларда лекциялар ўқидилар.

Бўлажак санъаткорларнинг чиқишлари ҳамма жойда қизғин кутиб олинди. Улар район комсомол комитетлари томонидан Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

А. РАИМБОЕВА,
М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси студенти.

Ким бўлсам экан?

БУ ЕРДА КАСБ ЎРГАНИЛАДИ

Шаҳримизда яна бир мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинати қурилиши бўйича тайёргарлик бошлаб юборилди. Лойиҳа кўчасида қад кўтарадиган бу ҳунар даргоҳида юқори синф ўқувчилари слесарлик, ғишт терувчилик, сувоқчилик, бўёқчилик, сантехниклик, кондитерлик, дурадгорлик касбларини эгаллайдилар.

Янги билим масканининг лойиҳасини «Ташгипрогор» институтининг ходимлари тайёрлашди. Икки блокдан иборат бўладиган бу комплексда маъмурий-хўжалик хоналари, касб танлаш ва ўқувчиларнинг техника ижодиёти кабинетлари, мажлислар зали ва ошхона жойлашади. Уч қаватли ишлаб чиқариш корпуси эса амалий машғулотлар учун ўқув устахоналаридан иборат бўлади. Корпуснинг марказий қисми қуёш нурларини қабул қилиб оладиган фонарлар ёрдами билан ёритилади.

Бундай лойиҳа республикада биринчи марта ижод қилинди. Ҳозирги пайтда ишлаб турган барча бундай ўқув комбинатлари турли хил биноларда жойлашган бўлиб, улар ўқувчиларнинг меҳнат таълими ишларини такомиллаштиришда қийинчиликлар тугдирмоқда.

Замонавий дастгоҳлар, ускуналар, приборлар ва асбоблар билан жиҳозланадиган Сергели районида қуриладиган бу комбинат ўқувчиларнинг касб танлашда ва ана шу ҳунарларни пухта эгаллашида севимли масканга айланади.

Хоккей

МУХЛИСЛАР ХУРСАНД БЎЛИШДИ

«Бинокор» командасининг навбатдаги турда ўтказган учрашувида мухлисларни ниҳоятда хурсанд қилди. Тўғрисини айтганда, аввалги учрашувларда бинокорчилларнинг ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилишди. Бунга эришдилар ҳам.

Дастлабки учрашувда 9:2 ҳисоби қайд қилинди. Агар Тюмень шаҳрининг «Рубин» командаси турнир жадвалининг ўрталаридан жой олиб тургани ва ўз майдонини мустаҳкамлашда эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тошкентликлар ниҳоятда бироз ранжитган эди. Бу сафар эса тошкентлик хоккейчилар бой берилган имкониятлар ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилишди. Бунга эришдилар ҳам.

Дастлабки учрашувда 9:2 ҳисоби қайд қилинди. Агар Тюмень шаҳрининг «Рубин» командаси турнир жадвалининг ўрталаридан жой олиб тургани ва ўз майдонини мустаҳкамлашда эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тошкентликлар ниҳоятда чиройли ўйин кўрсатганликларининг бўламиз. Ўтган турда йўл қўйилган хатолар коллектив ўртасида чуқур таҳлил қилинганлиги, ҳужумларни ниҳоятсига етказиш тактикаси пухта ишлаб чиқилганлиги ўйин натижасига катта таъсир қилди.

Такрорий учрашув ҳам мезбонларнинг тўла устунлигида ўтди. Бу сафар бинокорчилар мавсумда ўзларига хос рекорд ўрнатдилар. Улар рақибларининг дарвозасига ўн тўрт марта шайба киритишди. Ҳужумларни ниҳоясига етказишда айниқса Розов, Усольцев, Погорельскийлар ўзларини кўрсатишди. Розов рақиб команда дарвозабонини тўрт марта шайбани тўрдан олишга мажбур этган бўлса, Усольцев ва Погорельский икки мартадан дарвозага шайба киритишди. Умумий ҳисоб 14:3.

Хулоса қилиб айтганда, бу икки учрашувда «Бинокор» командасининг устозлари ишлаб чиққан тактика ўзини оқлади. Майдонга ёш ўйинчилар чиқарилди. Улар ҳам худди тажрибали командадошлари сингари ҳаракат қилишиб, тез-тез рақиб команда дарвозабонини безовта қилиб туришди. Бу шуни кўрсатмоқдаки, командадаги ёш ўйинчилар ҳам чиройли ўйин кўрсатиш тактикасини эгаллаб боришяпти. Лекин ҳали хатолар ҳам йўқ эмас. Улар кулай имкониятлардан тўла фойдалана олмаяптилар. Ёш ҳужумчиларнинг дарвозабон билан яккама-якка чиқиб шайбани тўрга йўллай олмаётганликларини ана шундай хатолар қаторига қўшиш мумкин.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент ҳақиқати

2 ДЕКАБРЬ, 1981 й.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

4 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Ноила НУРМУҲАМЕДОВА, Санобар РАҲИМОВА, Розия НАЗАРОВА, Шарофат ИЎЛЧИЕВА, Аъзам ҒОЗИЕВ, Ўсар ЮСУПОВ, Акбар ИЎЛДОШЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани —Мамасоли ҲОЛМАТОВ **ва** Зайниддин ОМОНОВ **олиб борадилар.**

«ХАНДА» ансамблининг бадиий раҳбари— Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Музика раҳбари— Рустам МАМАТМУРОДОВ.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги қошидаги

104-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти

1981—82 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8 синф маълумоти бўлганлар қуйидаги касблар бўйича уч йиллик ўқишга қабул қилинади: **контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикаси ремонти бўйича слесарь. Ёритиш асбоблари, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи; юқори вольтли электр узатиш линияларни монтажи ва ремонти бўйича электромонтёр, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.**

Ўқувчилар 3 марта иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул билан мукофотланадилар.

Битириб чиқувчилар билим юртини тамомлаганларидан сўнг белгиланган формада диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига юборилади.

Ўрта маълумоти бўлганлар ва Совет Армияси хизматидан қайтиб келганлар қуйидаги касблар бўйича

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Қозон агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, қувур агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, электр асбоб-ускуналарининг монтажчиси, электр пайвандловчи, иссиқлик билан ишловчи кучланиш асбоб-ускуналарининг ремонти бўйича слесарь, электромонтёрлар.

Машғулотлар — группалар тўлгандан кейин бошланади.

Ўқувчилар ўқиш даврида 30 сўм стипендия оладилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофотлари оладилар.

Билим юртини тамомлаганлар белгиланган формада аттестат оладилар.

Билим юртида ўқувчиларнинг яхши билим олишлари учун яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, спорт тўгараклари, бадиий тўгараклар мавжуддир.

Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга махсус автобус хизмат кўрсатади.

Билим юртининг ётоқхонаси бор.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак: директор номига ариза; маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмли 3 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий хизмат гувоҳномаси ёки ҳарбий билет.

Бизнинг адрес: 702169, Тошкент область, Оржоникидзе район, ТашГРЭС посёлкаси (152-Олой бозори — Қибрай автобуси ва 115-автобуснинг «ТошГРЭС» посёлкаси» бекати). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча телефонлар: 6-12, 3-18.

СИЗ ҚАНДАЙ ФОТОНИ ЁҚТИРАСИЗ

«ЎЗБЕКИСТОН» маиший хизмат уйи фотостудиясининг усталари суратга тушиш ниятиёқида келган кишиларга одатда ана шундай савол беришади. Бу тасодиф эмас. Чунки фотосуратни жилоланган ёки жилосиз қоғозга, катта ёки кичик ҳажмда, шароскопга ёки тарелкага рангли ёки оқ-қора тасвирда тушириб бериш мумкин. Фотосуратга олиш усталари умуман қандай сурат манзур бўлиши ҳақида баҳслашиб ўтиришмайди, уларнинг вазифаси буюртмачининг хоҳишини бажаришдан иборат.

Фотографиянинг яратилиш тарихи бир неча юз йиллаб ҳисобланади. Ана ўша вақтдан буён жуда кўплаб ҳаваскорлар камера билан ишлашнинг сирларини ўрганиб олдилар. Лекин шундай бўлса ҳам тугишганлар, дўстлар ёки оилавий маросимларни акс эттириб қолиш учун энг яхшиси суратга олдиргани устахонага бориб мурожаат этишга тўғри келади.

Бизнинг адрес: «Ўзбекистон» маиший хизмат уйидаги «Ўзбекистон» фотостудияси— Полторацкий кўчаси, 31-уй (5, 17-троллейбуслар; 3, 5, 60«э», 80«э»-автобуслар; 2, 5, 9-трамвайларнинг «Т. Шевченко кўчаси» бекати).

Биз яна бир неча хизмат усулларини кўрсатиб ўтамиз:
болаларни суратга олиш;
маросимларга бориб сурат олиш;
виньетка (оқ-қора тасвирли), альбомларни тайёрлаш.

Фотоҳаваскорлардан рангли ва оқ-қора тасвирли пленкалар, шунингдек, ГДРда ишлаб чиқарилган пленкаларга туширилган негативлар ҳам қабул қилинади.



«ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

2—5 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА

(учинчи қаватда)

ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИНИНГ

САВДО – КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Трикотаж либослар замонавий хотин-қизларнинг гардеробида деярли катта ўрин эгаллайди. Трикотаж либосларнинг асосий фазилатлари шундан иборатки, улар ҳар куни кийилади, спорт ва кўркам жозибаси бор, тузилиши содда, кийиб юришда қулай, озода, чиройли.

САВДО-КЎРГАЗМАСИ СТЕНДЛАРИДА ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТРИКОТАЖ ЛИБОСЛАРИ КЕНГ АССОРТИМЕНТДА, ЖУН, ЖУН АРАЛАШГАН, СИНТЕТИК ВА ИП-ГАЗЛАМАЛИ МАТОЛАРДАН ТИКИЛГАН 40 ДАН ЗИЁД РАНГ-БАРАНГ МОДЕЛДА ҚЎЙИЛГАН.

Ранг-баранг моделдаги жакетлар, хотин-қизлар ва эркаклар нимчалари, енги узун ва калта жемперлар, спорт костюмлари, жунли ва жун аралашган шимлар, хотин-қизлар юбкаси, кўйлаги, блузкаси, эркаклар ички кўйлаги, комбинациялар, тунги кўйлаклар, хотин-қизлар кўйлаклари, панталонлари, эркакларнинг кўйлаклари сизнинг диққатингизга тавсия қилинади.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ЦУМ.

БИЗНИНГ УСТ КИЙИМИМИЗ

КОСТЮМ—УСТ КИЙИМНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ, ТАКОМИЛЛАШГАН ВА ЗАМОНАВИЙ ТУРИДИР.

Эркакларнинг уст кийимлари ўртасида классик ва спорт услубида тикилган рўйи-рост ва гавдага бир оз ёпишиб турадиган кийимлар ҳамон етакчи ўринни эгаллаб турибди. Классик услубдаги костюмларда ҳозир спорт костюмларининг элементлари ҳам учраб туради. Бу эркаклар уст кийимлари ассортиментини бойитиш, ҳаётнинг тараққиёт маромини мужассамлаштириш имконини беради.

Классик услубдаги костюмлар учун бир оз кенг олинган елка чизиғи характерлидир. Бел чизиқлари бўрттирилмайди, бир мунча эркин.

Спорт услуби эса эркин шаклли, елка чизиғи бир оз кенгайтирилганлиги билан ажралиб туради. Ҳамёнлари қопламали, оддий, ўйма шаклли, бирмунча катта бўлиб, бел баландлигида жойлашган.

ТОШКЕНТДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТИКУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ЭРКАКЛАРГА ҚУЙИДАГИ УСТ КИЙИМЛАРНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Т—8954 МОДЕЛИ

Тантанали маросимларда кийиладиган эркакларнинг классик услубдаги костюми. Бежирим ёқали, бир томонлама тугма қадалган, қоматга ёпишиб турадиган камзулдир. Ён томонидан ҳамёнлари қопқоқли. Орқаси ўрта чокли, белидан этагигача кесилган. Бундай костюмлар ёркин рангли жун газламалардан тикилган.

Р—1426 МОДЕЛИ

Кундалик, ишга кийиладиган эркакларнинг спорт услубидаги костюми. Бу камзул бир ёқлама икки тугмали, усти ёпиқ ҳамёнли. Барча деталлари манзарали чоклар билан безакланган. Бу кийимнинг деталлари, шакли ва ёқасининг узунлиги замонавий моданинг йўналишига монанд келади. Костюм кримплен матодан тикилган.

Р—1146 МОДЕЛИ

Эркакларнинг энсиз ёқали спорт услубидаги костюми. Учта тугмали, бўртма безаклари бор. Ҳамёнлари қопқоқли. Белида ҳошияси бор. Камзул сунъий замш матосидан тикилган.

Чиройли, модага мослаб тикилган костюм сизнинг ташқи қиёфангизга башанглик ва бежиримлик бахш этади!

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТИКУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

2 ДЕКАБРЬ — ЧОРШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Горичилар, қаердасиз!». 18.30 «Бир юлдузнинг номини такрорлайман...» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 «Думлар». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Экономика тежамли бўлиши керак». 20.00 СССР билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланганлигига. Афғон артистларининг концерти. 20.30 «Кичик Ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 2-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Катта симфоник оркестр билан бир соат. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 Третьяков галереясининг 125 йиллигига. «Давлат Третьяков галереяси заллари бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 Фридрих Энгельс. Ҳаёти саҳифалари. 20.15 «Музикали абонемент». П. И. Чайковский. «Нил фасллари». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Пирогов». Бадиий фильм. 23.35 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг Катта симфоник оркестри ижросида Қора Қораев асарлари.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Синюшкининг қудуғи». Мультфильм. 18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.40 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига— 60 зарбдор ҳафта». «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасидан репортаж». 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 Ўзбекистон композиторларининг VIII съезди олдидан. Т. Жалилов номли хизмат кўрсатган Давлат халқ чолғу оркестрининг концерти. 20.10 «Ахборот». 20.30 Москва. «Кичик Ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 2-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Катта симфоник оркестр билан бир соат. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 Третьяков галереясининг 125 йиллигига. «Давлат Третьяков галереяси заллари бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 Фридрих Энгельс. Ҳаёти саҳифалари. 20.15 «Музикали абонемент». П. И. Чайковский. «Нил фасллари». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Пирогов». Бадиий фильм. 23.35 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг Катта симфоник оркестри ижросида Қора Қораев асарлари.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Синюшкининг қудуғи». Мультфильм. 18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.40 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига— 60 зарбдор ҳафта». «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасидан репортаж». 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 Ўзбекистон композиторларининг VIII съезди олдидан. Т. Жалилов номли хизмат кўрсатган Давлат халқ чолғу оркестрининг концерти. 20.10 «Ахборот». 20.30 Москва. «Кичик Ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 2-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Катта симфоник оркестр билан бир соат. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 Третьяков галереясининг 125 йиллигига. «Давлат Третьяков галереяси заллари бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Биз одний хизматни ўтаяпмиз». Телефильм. 18.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 19.20 «Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида». 20.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 20.30 Янгиликлар. 20.50 Эстетика асослари. «Санъатда мазмун ва шакл». 21.30 МТ IV.

3 ДЕКАБРЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар Катта хорининг концерти. 10.35 «Пирогов». Бадиий фильм. 12.05 СССР халқ артисти Г. Ковалёва куйлайди. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Кинопрограмма. 16.15 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. 16.45 Бирлашган Араб амирликлари давлати ташкил топганлигининг 10 йиллигига. «Араб амирликлари қирғоғи». Телевизион ҳужжатли фильм. Автор — Ф. Сейфуль-Мулюков. 17.35 «Юность» хореографик ансамблининг чиқиши.

18.00 Н. Тихонов. «Йиллар ва йўллар». 18.40 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнатни рағбатлантиришни такомиллаштириш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қўшиқ инсон билан қолади». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.15 «Қиш этюди». 20.25 «Кичик ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 3-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Останкино концерт студиясида ёшлар кечаси. Армия ёшидаги йигитларни Совет Армияси сафига кузатиш. Уруш ветеранлари билан учрашув. 23.50 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Ртвели номли система». Илмий-оммабоп фильм. 10.05, 12.05 ва 17.30 Испанча сўзлашинг. 10.35 ва 11.45 Табиатшунослик. 4-синф. Шамол ва унинг иши. 10.55 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Ҳозирги давр Ленинномаси. 11.25 «Асрий тайга». Илмий-оммабоп фильм. 12.35 ва 13.35 Физика. 9-синф. Электр майдони. 13.05 ва 17.00 Оналар мактаби. 14.05 «Партбилет ҳақида сўз». 14.50 Ўқитувчи экрани. Тарих. 7-синф. Куликово жанги. 15.20 Зоология. 7-синф. Қуруқликда ҳамда сувда яшовчилар. 15.45 «Брононосец «Потёмкин». Бадиий фильм.

19.30 Табиатни муҳофаза қилишга бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 20.15 М. Равель асарларини Москва Давлат симфоник оркестри чалади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Бу милицияда содир бўлган эди». Бадиий фильм. 23.25 «Александр Грининг Қрим саҳифалари». Телевизион ҳужжатли фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси.

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Жамиятшунослик. Ҳозирги замон империализмининг асосий хусусиятлари (рус.). 12.00 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий). 12.30 Жамиятшунослик. «Ҳозирги замон империализмининг асосий хусусиятлари». 13.00 «Икки жангчи». Бадиий фильм (рус.).

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Мультфильм. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз— 80-йиллар комсомоллари». 18.30 «КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга». Муборак газни қайта ишлаш заводи (рус.). 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 «Қизлар гулдастаси». 20.00 «Ахборот». 20.25 Москва. «Кичик Ер». Кўп серияли телевизионн ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 3-фильм. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ю. Бондарев. «Соҳил». М. Горький номли Давлат академик рус драма театрининг спектакли. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.00 Москва остоналаридаги жангининг 40 йиллигига. «Отлан, буюк Ватаним». Ҳужжатли фильм. 20.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 20.30 Янгиликлар. 20.50 «Ҳужжатли кино экрани». 21.30 МТ IV.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/XII да **Олтин девор**, 3/XII да **Баланд қоядаги аёллар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/XII да **Тошкентнинг нозанин маликаси**, 3/XII да **Олифта.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— янги программа. «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

КИНО

2 ДЕКАБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«УМР ИЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ТЕҲРОН— 43» — **Санъат саройи** (катта зал — 16.15, 19.15, кичик зал— 17.15, 19.15).

«СИРЛИ ТАҚИНЧОҚ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

3 ДЕКАБРДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ВАҚТНИНГ ҚУРИЛИШ» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ТАЙМИР УЗРА ҚЎЁШ» —**Нукус.**

«ГЕННАДИЙ БОШТАНЮК, БРИГАДИР» —**Қозоғистон.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«УМР ИЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — **Искра** (16, 18, 20,00, телефон 39-14-59), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ТЕҲРОН— 43» —**Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.45, 16.15, 19.15; кичик зал — 12, 14.30, 17.15, 19.45).

«СИРЛИ ТАҚИНЧОҚ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Москва** (тоқ соатларда).

«КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

ТЕЛЕФОН УЗЕЛЛАРИНИ МАРКАЗЛАШТИРИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг

ҲИСОБ-КИТОБ ГРУППАСИ УШБУ АДРЕСГА КЎЧДИ:

Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 3-уй.

Абонентлар билан ишлаш вақти:

душанба, жума — соат 9.00 дан 13.00 гача;
чоршанба — соат 11 дан 18.00 гача;
сешанба, пайшанба —соат 14 дан 18.00 гача;
дам олиш кунлари —шанба ва якшанба.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН УШБУ ТЕЛЕФОНЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

АТС— 76— 33-91-27.
АТС—53—33-91-78.
АТС— 78 —33-91-30.
АТС— 77— 33-91-85.
АТС— 56 —33-99-43.
АТС— 24— 33-07-64.
АТС —32, 33—33-48-85.
АТС— 35— 33-40-57.
АТС—41, 44 —33-91-11.
АТС—48— 33-91-58.
АТС—91, 66— 33-91-20.
АТС— 46— 33-91-70.
АТС— 90, 66—33-91-61.
АТС—64, 66— 33-91-00.
АТС— 62— 33-91-39.
АТС— 96— 33-51-04.
АТС— 76, 78,—33-91-32.
АТС —42, 29—33-91-41.

ВНИИпромгазнинг Ўрта Осиё филиали коллективи техника фанлари кандидати, катта илмий ходим С. С. Солиҳўжаевга отаси

Солиҳўжа ҲАКИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти коллективи институт илмий ходими, филология фанлари кандидати С. Солиҳўжаевага отаси

Солиҳўжа ҲАКИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия комитети ҳамда маҳаллий комитети ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасининг ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати А. Абдураззоқовга отаси

Қодир АБДУРАЗЗОҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитети халқ маорифи Бош бошқармаси ва шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг коллективи шу институтнинг мактабгача тарбия кабинети методисти Х. Ориповага умр йўлдоши

Борий Воҳидович ВОҲИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-53-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

2 ДЕКАБРЬ, 1981 й. Р. 07441. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри, В-2524. Индекс 64691.